

## КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШДА ТАРИХНИНГ РОЛИ

**Жўрайева Насиба Йўлдашали кизи**  
*Чирчиқ Давлат Педагогика Университети*  
2 - курс талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада тарих фанининг инсон учун қанчалик зарурлиги, фанининг комил инсонни тарбилашдаги аҳамияти айтиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** *Диалектик, давлатчилик, маданият, ижтимоий, дунёвий.*

Тарих фани турли дунё халклари қандай яшаганлиги, уларнинг ҳаётида қандай воқеалар содир бўлганлиги, одамлар ҳаёти қандай ва нима учун ўзгариб, ҳозиргидай бўлиб қолганлигини урганса, Ўзбекистон тарихи эса унинг ажралмас қисми бўлиб, шу тарихий-маданий жараёнларга мос ҳолда Она заминимизда ўтмишда яшаган халқларнинг ҳаёти ва уларнинг ри-вожланиши давомида содир бўлган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, уларнинг турмуш тарзи, иқтисоди, ижтимоий муносабатлари, давлатчилиги, маданияти ва шу қабиларни тулалигича урганадиган фандир.

Юртбошимизнинг шу ҳақдаги фикрлари қатта аҳамиятга эгадир: "Ҳозир Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешиқларидан би-ри бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқ-дан алломалар, фозилу фуқаролар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари ана шу заминда яра-тилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган сув иншоотла-ри, шу қунгача фазини, маҳобатини йукотмаган асори-атикаларимиз қадим-қадимдан юртимизда дехқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради".

Ўзбекистон тарихи фақат турли билимлар тарзидаги фан эмас, балки бир неча асрлар давомида тулланиб келган узаро ички қонуниятлар билан қамбарчас боғланган билимлар тизими сифатидаги узининг урганиш объекти ва предметиға эга бўлган мураккаб фандир.

Ўзбекистон тарихи фанининг долзарб муаммолари, ечимини қутаётган ва аниқлик киритилиши лозим бўлган масалалар талайгина. Хусусан, Ватани-миз ҳудудида энг қадимги даврлардан бошлаб яшаётган аҳоли ва уларнинг жойлашуви;бу аҳолининг қушни қабилалар ва элатлар билан турли муносабатлари; Амударё ва Сирдарё оралигида яшаган қадимги маҳаллий аҳолини бизнинг аجدодларимиз эканлигини таъкидлаш ва тадқиқ этиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, дастлабки ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам муҳим масаладир. Айниқса, маҳаллий қадимги аҳоли утрук яша-ганлиги дехқончилик ҳужалигини ривожлантирганлиги, дастлабки аҳоли ман-зилгоҳларининг пайдо бўлганлиги; дастлабки манзилгоҳлар ривожланиб илк шаҳарларга айланганлиги; дастлабки шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маъмурий марказлар сифатида ривожланганлиги ва ниҳоят, ушбу жа-раёнларға асос бўлган омиллар ниҳоятда муҳимдир.

Республикамиз худудларидаги дастлабки давлат уюшмаларининг узаро ва кушни давлатлар билан турли алокалари, уларнинг тарихий-географик худуди ва чегаралари хам анча мунозарали мавзу хисобланади. Хозирги кунга кадар улкамиз худудлари ва бу ердан четда битилган урта асрларга оид ёзма манбаларни урганиш буйича талайгина ишлар амалга оширилган булишига карамай, бу йуналишда янада кадимгирок даврларга оид килинади-ган ишлар нихоятда куп.

Узбекистон тарихини урганишда манбаларнинг ахамияти бекиёс булиб, булар моддий ва ёзма манбалардир. Тарихимизнинг энг кадимги, яъни ёзувсиз замонларга оид даврни урганишда археологик, антропологик ва эт-нографик манбалар ёрдамга келади. Бу манбалар турли-туман булиб, улар-га-кадимги манзилгохлар ва шахарлар харобалари, мозор-курганлар колдиклари, турмуш ва хужаликда ишлатиладиган буюмлар, мехнат ва жанговор ку-роллар, турли-туман ашёлар киради. Ёзма манбалар эса, энг кадимги ёзувлар битилган ва китоблардан иборатдир. Моддий ва ёзма манбалар маълумотлар-ни солиштириб, киёслаб тарихни талкин этиш мухим ахамият касб этади.

Ватан тарихини ёритишда назарий-методологик асосларни билиш катта ахамиятга эга. Илмийлик, холислик, тарихийлик методлари тарихни ёритишнинг асосий калити хисобланади.

Биринчидан, яратилган узбек халки ва унинг давлатчилиги тарихи концепцияси асосида тарихни даврларга булиш ва уларни чукур тахлил ки-лиш лозим. Энг асосий вазифалардан яна-бири мустакиллик даврида яратил-ган янги таджикотлар асосида объектив тарихни урганишни ташкил килиш-дир. Илмийлик билан бир каторда холислик туради. Бунда тахлил килинаёт-ган хар бир тарихий вокеа-ходисаларни холис, хакконий равишда урганиш ёки тарихнавислик хохиш-иродасидан ташкарида, вокеа-ходисалар кандай содир буган булса, шундайлигича ёритиш кузда тутилади. Хар бир тарих ёзувчи киши шахс сифатида узининг фикри-мулохазалари, идроки ва бошка хистуйгулар оркали атрофни ураб турувчи мухит билан узвий равишда боглик. Бу богликлик унга уз таъсирини уткази.

Холислик талаб киладиган коидалар шундан иборатки, ушбу йуналишда тарихий-маданий тараккиётни (тарихнинг турли даврларида) урганиш жара-ёнида булиб утган ёки шу тараккиёт билан боглик булган жамики вокеа-ходисаларни хеч бир узгаришсиз, кандай булиб утган булса, уша холат-да талкин ва тахлил этиш, текшириш ва хулосалар чиқариб яхлит холга келтириш ута мухимдир. Бу холатда аник манбавий асосларга таяниш, тари-хий жараёнларнинг узаро чамбарчас богликлигини асослаш лозим булади. Бу жараёнда худудлар уртасидаги ривожланиш жараёнларини узаро солишти-риш, киёслаш ва таккослаш факат ижобий натижалар бериши табиий холдир.

Узбекистон тарихини урганишнинг услубий асосларидан яна бири-бу вокеа ва ходисаларни диалектик тарзда урганишдар. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир буладиган ходисалар, вокеалар умумий ва узаро бог- ланишда, узликсиз харакатда, зиддиятли тараккиётда булади, деб таълим бе-ради.

Бу услуб Узбекистон тарихини узлаштиришда уни тулалигича, вокеа-ходисаларни бир-бири билан богликликда, айрим тарихий вокеликни ур-гатувчи фанларни хам бир бутунликда, унинг булакларини ажратиб олмаслик ва вокеа-

ходисаларни доимо узгаришда, ривожланишда урганишни такозо ки-лади. Бирор бир давр хакида фикр-мулохаза юритилаётган булса, ана шу даврнинг узига хос хусусиятларини англаб олиб, уни курсатишни талаб ки-лади. Диалектик услубга асосланиб, тарихий жараёни умумийлик ва алохи-далиқ коидаларидан келиб чиққан холда тушуниш лозим.

Диалектик услуб Ўзбекистон тарихини аввало Урта Осиё, колаверса, жаҳон халқлари тарихи билан боғлиқ холда урганишни такозо этади. Чунки мавжуд булган ҳар бир халқ, миллат ёки элат тарихи фақат узига хос хусусиятлари билан ажралиб турса-да, бутун инсоният тараккиёти та-рихи билан умумий боғланишдадир.

Ҳақиқатдан ҳам, ўзбек халқининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ма-даний ривожланиши жаҳон тарихи тараккиётининг ажралмас қисмидир. Энг қадимги даврлардан бошлаб яқин утмишга қадар Урта Осиё, Шарқий Туркистон-тон, Еттисув, Эрон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон каби ҳудудлар уртасида ягона иқтисодий ва маданий макон мавжуд эди.

Ўзбекистон тарихини урганишда тарихийлик услуби ҳам алоҳида урин эгаллайди. Бу услуб тарих жараёнида содир булган воқеа-ходисаларни ур-ганишда кетма-кетликни талаб қилади. Бир воқеа ходиса билан бошқасини сабаб-оқибатли боғланиши ҳам курсатилади. Тарихийлик воқеа-ходисаларни қай тарзда содир булганлигини, жамият ривожланишида айрим шахслар ва уларнинг роли тугрисида тугри, ҳаққоний фикр юритишга ургатади.

Тарихийлик услуби халқнинг утмишига, ҳозирги замон ва келажакга ягона тарихий жараён сифатида утмиш ҳозирги замонни тайёрлайди, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараккиёт қонуни асосида қарашни талаб қилади. Булиб утган тарихий-маданий жараёнларни, аждодларимиз қолдирган улкан меросни қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ургансак, англаб етсак ҳамда қенг тарғиб этсак, ҳозирги замонни шунчалик муқаммал тушуниб, қе-лажакни ёрқин тасаввур этамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов.И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т.Шарқ,1998.
2. Асқаров А. Ўзбекистон халқлари тарихи.-Т.;Ўқитувчи,1993.